

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
ГОСПИТАЛ БОЛАЛАР ХИРУРГИЯСИ КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўқув ишлари проректори
профессор _____ А.И.Искандаров
«_____» _____ 2009 й.

ТИББИЙ – ПЕДОГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИНИНГ
6-КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
ГОСПИТАЛ БОЛАЛАР ХИРУРГИЯСИ ФАНИДАН
ИШЧИ ДАСТУР

Олий таълим
720000 – «Соғлиқни сақлаш»
5140900 – «Касбий таълим»

Умумий – 40 соат

ТОШКЕНТ – 2009

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тошкент Педиатрия медицина институти Илмий Кенгашининг 2009 йил _____ сон мажлисида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

5140900 - Касбий таълим йуналиши, госпитал болалар хирургияси фани ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: ТошПМИ госпитал болалар хирургияси кафедра мудири т.ф.д., проф. Эргашев Н. Ш, ассистентлар: Якубов Э.А., Рахматуллаев А.А., Бекназаров З.Ж., Дияров Н.А., Хуррамов Ф.М. Пирназаров Б.Т., Абдуллакулов У.А.

Такризчилар:

1. ТошПМИ факультет болалар хирургияси кафедра мудири т.ф.д., проф. Алиев М.М.
2. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти болалар хирургияси курси мудири, т.ф.д. проф. Бекназаров Ж.Б

Фаннинг ишчи ўқув дастури Педиатрия факультет Илмий Кенгашининг 2009 йил « » _____ даги _____ сон қарари билан тасдиқланди.

Илмий Кенгаш раиси:

2009 йил « _____ » _____

Т.С.Агзамходжаев

Келишилди

Кафедра мудири

2009 йил « _____ » _____

Н.Ш. Эргашев

I. СЎШ БОШИ

Болалар хирургиясини “госпитал курси” программаси 6-курс талабаси ўзлаштириши керак бўлган назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳажмини белгилайди.

Болалар хирургиясини госпитал курси болалардаги ўткир хирургик касалликларини келиб чиқишини, диагностикаси ва дифференциал диагностикасини, даволаш ва операциядан кейинги реабилитациясини ёритувчи фан бўлиб, ҳар бир йўналишда ўсувчи бола организмни анатомио-физиологик хусусиятларини, махсуслигини ҳисобга олган ҳолда ўрганилади.

“Болалар хирургияси” кафедрасида таълим олиш талабани факультатив кафедраларда олган билимлари ва кўникмаларига суянган ҳолда олиб борилади: педиатрия, болалар инфекцион касалликлари, урология, травматология ва ортопедия, анестезиология-реаниматология, неврология, факультатив хирургия – “горизонтальная интеграция”.

1.1. Дастурнинг мақсади: Умумий амалиёт шифокорини болаларда ўткир хирургик касалликларини синдромал аниқлашга, дифференциал диагностика ўтқозишга, мустақил бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишга ва қўшимча текширишларни ўтқозиш учун ўз вақтида керакли махсус булимларга йўналтиришга ўргатиш.

1.2 Дастурнинг вазифалари:

1. Болалардаги ўткир орттирилган хирургик касалликларни этиологияси ва келиб чиқиш механизми бўйича билимларини жамлашга ўргатиш.
2. Талабаларга болаларда кенг тарқалган хирургик касалликларда синдромларни аниқлашда, клиник кечувини хусусиятларини белгилашда ва дифференциал диагностикасини ўтқозишда билим ва кўникмаларни эгаллашга ўргатиш.
3. Бирламчи умумтиббий ва дастлабки хирургик ёрдамни кўрсатишда билим ва кўникмаларни эгаллашга, керак бўлган ҳолатларда юқори малакали ва махсуслаштирилган ёрдам кўрсатиш учун йўналтиришга ўргатиш.
4. Бола ҳаётига хавф туғдирувчи ҳолатларда аҳволини тўғри баҳолашга ва керакли синдромли протоколли даволашни буюришда билим ва кўникмаларни эгаллашга ўргатиш.
5. Талабаларда хирургик амалиётга чалинган болаларда реабилитацион муолажаларни ва диспансер кузатувни ташкил қилишда билим ва кўникмаларни шакллантириш.

1.3. Талабаларнинг билимига, қобилиятига ва кўникмаларига талаблар

Талаба билиши шарт:

1. Социал сфера ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришда “Соғлом авлод”, “Она ва бола” каби давлат программаларини асосий йўналишларини.
2. Турли хил ёшдаги болаларда жисмоний ва психомотор ривожланиши меъёрларини.
3. Болаларда кенг тарқалган ўткир хирургик касалликларни этиопатогенезини, уларни келиб чиқишида наслий, экологик омилларни таъсирини.
4. Турли хил ёшдаги болаларда касалликларни клиник кечувини хусусиятларини ва қўшилиши мумкин бўлган асоратларини.
5. Маҳаллий ва умумий оғриқсизлантириш принципларини, болаларни операцияга тайёрлаш ва операциядан кейинги парваришни.

6. Хирургик аралашувни ўтказган болаларда эатерал озиклантириш хусусиятларини.
7. Хирургик аралашувни ўтказган болаларда эрта реабилитация ва диспансеризация ўтказиш йўли билан касалликни сурункали кечувига ўтиши ва болалар ногиронлигини профилактикаси принципларини.

Талаба бажариши шарт:

1. Ўткир хирургик хасталик билан касалланган болалар соғлиғини тўғри баҳолаш.
2. Касалликни сабаби ва муддатини аниқлаш.
3. Режа тузиш, лаборатор ва инструментал текшириш усулларини қўллаган ҳолда текширувлврни ўтказиш.
4. Касалликни клиник ташҳисини ёки синдромини аниқлаш ва асослаш.
5. Преморбит фонни, қўшимча касалликлар ва асосий касалликни асоратларини аниқлаш.
6. Касалликни ривожланишида ёшини, индивидуал ва патологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда болаларни даволаш тактикасини танлаш.
7. Биринчи тиббий (хирургик) ёрдам кўрсатиш, керак ҳолларда болани ҳаётини сақлаш учун реанимацион муолажаларни бажариш.
8. Қўшимча лабаратор ва инструментал текширувларни ўтказишга кўрсатмаларни белгилаш ва ўз вақтида беморни керакли тиббий муассасага йўналтириш.
9. Беморни транспортабеллигини аниқлаш, керак бўлса керакли муассасага олиб боришни ташкил қилишни.
10. Хирургик аралашувни ўтказган болаларда реабилитация ва диспансеризацияни ташкил қилиш.
11. Амбулатор картани (ф.112), касаллик тарихини (ф.003/у), керакли тиббий хужжатларни замонавий информацион технологияларни қўллаш билан ёзиш.

Талаба қуйидаги амалий кўникмалар бажара олиши шарт:

- болани умумий аҳволини ва бола ҳаётига хавф туғдирувчи омилларни баҳолаш.
- бола ва уни ота оналари билан суҳбат ўтказиш, тўғри анамнез йиғиш, касаллик сабаби ва бошланишини аниқлай олиш.
- бемор болада пальпации, перкуссия ва аускультация ўтқаза олиш.
- касалликни ташҳисини аниқлаш учун минимал лаборатор ва инструментал текширувлвр ҳажмини аниқлаш, натижаларини таҳлил қилиш.
- стандарт ва ностандарт ҳолатларни аниқлаш ва керакли протоколли даво танлаш.
- Даво-диагностик усуллар ва муолажалар минимуми:
 - а) болаларда жароҳатга бирламчи хирургик ишлов бериш хусусиятларини
 - б) йирингли бўшлиқлар ва жароҳатларни дренажлаш
 - в) болаларда таянч-ҳаракат тизимини жароҳатланишида болаларни иммобилизация ва транспортировка принциплари
 - г) трахеяни бевосита интубацияси
 - д) микротрахеостомия ва трахея ва бронхларни санацияси
 - г) торакоцентез, болаларда пассив ва актив плеврал аспирация принциплари
 - е) Сагенетин-Блекмор зондини ўрнатиш
 - з) лапароцентез
 - и) магистрал веналарни пункция ва катетеризацияси

1.4 Ушбу ўқув фанини ўрганиш учун керак бўладиган бошқа ўқув фанлари ва уларнинг бўлимлари рўйхати

- нормал ва патологик физиология
- топографик анатомия ва оператив хирургия
- микробиология
- клиник фармокология
- педиатрия
- хирургия (умумий, факультет, госпитал)
- рентгенология ва радиология
- фтизиатрия
- анестезиология ва реанимация
- травматология ва ортопедия
- физиотерапия
- урология
- эндокринология

1.5. Амалий машғулотлар турларига қараб вазифаларни бажариш учун керак бўлган минимал талаблар

I. Кўкрак қафаси ичи босимини ошиши синдроми

1. Синдромал ва дифференциал диагностика
2. Кўкрак қафасини полипозицион рентгенологик текшируви ва уни интерпретацияси
3. Соғлиқни сақлашни бирламчи босқичида протокол асосида бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатиш.
4. «Кичик хирургия» дан куникмалар
5. Аҳволини оғирлигини баҳолаш ва кейинги даво тактикасини танлаш.
6. Операциядан кейинги реабилитацияси

II. «Ўткир қорин» синдроми

1. Синдромал ва дифференциал диагностика
2. Касалликни муддатини ва қўшимча касалликларни аниқлаш
3. Рентгенологик, ультратовуш ва эндоскопик текширув
4. Даволаш протокол асосида бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатиш ва кейинги даво тактикасини танлаш
5. «Кичик хирургия» дан куникмалар
6. Операциядан кейинги реабилитацияси

III. Болаларда ошқозон ичак трактидан қон кетиш

1. Синдромал ва дифференциал диагностика
2. Касалликни муддатини ва қўшимча касалликларни аниқлаш
3. Инструментал диагностика усуллари
4. Даволаш протокол асосида бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатиш ва кейинги даво тактикасини танлаш
5. «Кичик хирургия» дан куникмалар
6. Операциядан кейинги реабилитацияси

IV. Ортирилган ичак тутилишлари

1. Синдромал ва дифференциал диагностика
2. Эрта ёшли болаларни овқатлантириш нормативлари
3. Болаларда овқат ҳазм қилишни физиология ва патологияси
4. Умумий аҳволини, қусуқ массаларини, аҳлатни, сийдик ажратишни ҳарakterини баҳолаш.

5. Даволаш протокол асосида бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатиш Умение и навыки «малой хирургии»

6. Операциядан кейинги реабилитацияси

V. Хирургик инфекция хусусиятлари

1. Синдромал ва дифференциал диагностика

2. Рентгенологик текшируларни муддати ва хусусиятлари

3. Тери ва суякларни қон айланишини ёшга нисбатан анатомияси

4. Умумий аҳволини ва потоген флорани характери баҳолаш.

5. Антибактериальной терапияни принциплари

6. Детоксикацион терапияни принциплари

7. Иммуномодуляр терапияни принциплари

8. «Кичик хирургия» дан куникмалар

9. Операциядан кейинги реабилитацияси

VI. Қорин бўшлиғини пайпасланувчи ўсма синдроми

1. Синдромал ва дифференциал диагностика

2. Касаллик муддатларини ва қўшимча касалликларни аниқлаш

3. Рентгенологик, ультратовуш ва эндоскопик текширув

4. Аҳволини оғирлигини баҳолаш ва кейинги даво тактикасини танлаш.

5. Операциядан кейинги реабилитацияси

1.6. Талабаларни билимини баҳолаш учун назоратни сони ва турлари.

Циклни кам вақт давом этишини ҳисобга олиб (40 соат) талабаларни билимини жорий ва якуний назорат йўли билан (ёзма) баҳолаш мақсадга мувофиқ (ёзма).

1.7. Фанни ўрганишдаги технологиялар

1.7.1. Амалий дарсларни ўтиш вақтида ўқитишни қуйидаги интерактив усулларидадан фойдаланилади:

-дискуссиялар, "мия хужуми", талаба модератор сифатида

1.7.2. Кафедрада қуйидаги ТСО қўлланилади:

Ўқитиш ва тестларни ёзиш учун компьютер программалари, таблицалар, слайдлар, слайдоскоп, видеофильмлар

1.7.3. Кафедрани библиотека фонди

1.8. Ўқув юкларини ҳажми

Иш ҳажми	Аудиториядаги дарс турига қараб ўқув юкларини тақсимланиши (соатда)					Мустақ-қил иш
	Умумий	Лекциялар	Амалий дарслар	Семинарлар	Лаборат. ишлари	
40	40		40			

2. Амалий дарслар